19 АВГ 1991

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий
шаҳар рўзномаси

Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 156 (7. 545) ◆ 1991 йил 14 август, чоршанба ◆ Нархи 8 тийин.



Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

- Тошкентда Покистон Ислом жумҳуриятининг 44 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

- РСФСР Президенти Б. Н. Ельцин билан РСФСР Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби В. А. Купцов ўртасида бўлиб ўтган учрашувда иқтисодий тангликни бартараф этиш йўллари, муҳим ижтимоий ва сиёсий вазифаларни ҳал этиш, республика ва маҳаллий даражада партия ташкилотлари ва давлат муассасаларининг ҳамкорлиги шакллари юзасидан фикр олишилди
- Футбол. «Спартак» (Владикавказ) — «Пахтакор» — 2:0; «Торпедо» — «Шахтёр» — 2:0; «Металлург» — «Динамо» (Киев) — 2:1; «Динамо» (Минск) — «Черноморец» — 0:0.

ХОРИЖДА

- Ироқ Қувайтга бу мамлакатни босиб олган пайтда ўғирлаб кетган 31 тонна олтинни қайтариб берди.
- Югославия билан Албания ўртасидаги чегарадаги вазият кескинлашмоқда. Икки томон ўртасида қурол ишлатишгача бориб етилди.



ЁН ҚЎШНИЛАР—ЖОН ҚЎШНИЛАР

БУГУН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН, ТОЖИКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ЖУМҲУРИЯТЛАРИ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ КЕНГАШИ ОЧИЛАДИ

Бешта баҳайбат шохли ям-яшил чинор устида порлаб турган қуёш Ўрта Осиёдаги тўрт республика ва Қозоғистоннинг рамзидир. Минтақа республикалари Президентларининг 13 август куни Ўзбекистон пойтахтида бошланган учрашувининг рамзий нишони ана шундай.

ТОШКЕНТДА халқаро музокаралар, анжуманлар, фестиваллар кўп марта ўтказилган. Ҳатто тинчлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка интилишни ифодалайдиган «Тошкент руҳи» ибораси ҳам пайдо бўлган.

Мана энди Ўзбекистон пойтахти Қозоғистон ССР, Қирғизистон Республикаси, Туркманистон ССР ва Тожикистон ССРнинг катта делегацияларини қабул қилмоқда. Улар Ўзбекистон ССР делегацияси билан биргаликда ўтган йили Олмаотада имзоланган ҳужжатлар қандай бажарилаётганини муҳокама қиладилар. Шу вақт ичида минтақа республикалари ўртасидаги ҳамкорлик ўз тараққиётининг янги босқичига ўтди. Республикалар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида бир қанча икки томонлама шартномалар тузилди, улар бир йил олдин бошланган жараённинг ҳақиқий давоми бўлди. Ўзбекистон бундай шартномаларни Қирғизистон ва Туркманистон билан тузди, ҳозирги учрашувда шу шартномалар ратификация қилинганлиги ҳақидаги ёрлиқлар айирбош қилинади.

Иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлик муваффақиятли давом этмоқда. Ўрта Осиё минтақаси ва Қозоғистоннинг географик мавқеи ва ўзига хос хусусиятлари ўзаро манфаатли мустаҳкам ҳамкорлик тақозо этади. Ҳозирги пайтда халқ хўжалигида Ўзбекистоннинг қўшни республикалар ва Қозоғистон билан амалий шериклик қилмаётган бирор тармоғини топиш қийин. Мана, бир неча мисол. Қўшни республикаларга пахта териш машиналари, трансформаторлар, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотлари, бошқа ўнлаб корхоналарнинг маҳсулотлари юборилмоқда. Ўз навбатида Олмаотадаги «Средазэнергострой» тресги қурувчилари Ўзбекистонда барпо этилаётган иссиқлик электр станцияларида мураккаб монтаж ишларини бажардилар. Туркманистонлик гиламдўз усталар бу ноёб ҳунарни ўзбекистонликларга ўргатдилар, Тошкентдаги кўпгина корхоналарнинг дам олиш уйлари ва пансионатлари Қирғизистондаги ажойиб Иссиқкўл соҳилида жойлашган...

Фақат шунинг ўзи эмас. Аслида минтақада бир неча тармоқларда иқтисодий муносабатларнинг ягона тизими вужудга келди. Ўрта Осиё бирлашган энергия тизими, деярли барча қўшни республикаларга хизмат қилаётган Ўрта Осиё темир йўли ана шундай тизимлардандир.

Янги Иттифоқ шартномасини муҳокама қилиш беш Президентнинг музокараларида муҳим ўрин тутади. Шу йилнинг март ойида бўлиб ўтган Умумиттифоқ референдумида минтақадаги барча республикалар аҳолисининг мутлақ кўпчилиги, маълумки, янгиланган Иттифоқни сақлаб қолишни ёқлаган эди.

ТОШКЕНТ аэропорти байрамлардагидек безатилган. СССР Давлат байроғи, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон давлат байроқлари ҳилпираб турибди, ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик, рус тилларида ёзилган табрик шиорлари илиб қўйилган.

Мана, самолёт қўниш майдонига бурилмоқда, унда Тожикистон ССР Президенти Қ. Маҳкамов бошчилигидаги республика делегацияси Тошкент учрашувига келди. Ўзбекистон пойтахтига изма-из Туркманистон ССР Президенти С. А. Ниёзов бошчилик қилаётган Туркманистон делегацияси етиб келади. Орадан кўп вақт ўтмай Қозоғистон делегацияси аъзолари тушган самолёт қўнади, бу делегацияга Қозоғистон ССР Президенти Н. А. Назарбоев бошчилик қилмоқда. Кенгашга Қирғизистон Республикасининг Президенти А. Акаев бошлиқ Қирғизистон делегацияси ҳам етиб келди. Юқори мартабали меҳмонларни самолёт пилла-пояси олдида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов, республика вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, республика Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев, Ўзбекистон делегациясининг бошқа аъзолари табриклаб кутиб оладилар. Миллий кийимдаги қизлар азиз меҳмонларга гуллар тақдим этадилар. Шундан сўнг автомобиллар кортежи Тошкент кенгаши қатнашчилари учун ажратилган борғоҳга йўл олади.

Учрашувга Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Бош вазири Г. А. Гасанов бошчилигидаги Озарбайжон делегацияси ҳам келди.

Қозоғистон Президенти Н. А. Назарбоев аэропортда ЎзТАГ мухбирларининг саволларига жавоб қайтарди. Қозоғистон бошлиғи, жумладан, Иттифоқ шартномасини имзоламоқчи бўлаётган республикаларнинг шундан кейин нима бўлади деб ўйлайдиган пайти келди, деб таъкидлади. Тузилмалари тубдан ўзгартириш бошланадими, улар иқтисодиётни боши берк кўчадан чиқариб олишга қодирми? Булар ҳозирги пайтда энг муҳим масалалардир. Бироқ, ушбу ҳужжатни имзолашга саноқли кунлар қолганига қарамай, мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш каби ўткир муаммо шу вақтгача ҳал қилинган эмас.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ҳозир дотация оладиган республикалар бўлиб қолди. Лекин бу минтақалардаги одамлар ишлашни билмайди деган гап эмас. Муаммо бошқа жиҳатда — уларнинг иқтисодиёти хом ашё етиштиришга йўналтирилганлигидир. Келинг, бу муаммога бошқа томондан назар солайлик. Минтақа республикалари пахта хом ашёсининг деярли ҳаммасини, фосфорнинг тўқсон беш фоиздан кўпроғини, хром рудасининг тўқсон фоизини, рангли металлар ва жуннинг эллик фоизини етиштиради ва ишлаб чиқаради. Улкан ресурсларга қарамай, мамлакат саноат ишлаб чиқаришида минтақанинг улуши атиги 8 фоизни ташкил этади. Турмуш даражаси-чи? Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда турмуш даражаси мамлакатдагидан икки баравар пастдир. Минтақа иқтисодиётининг хом ашё етиштиришга қаратилганлигига хотима берадиган пайт келди. Халқларнинг яхшироқ яшашига имкон берадиган сиёсатни ишлаб чиқиш керак. Яқин қўшниларимиз билан мустаҳкам боғланмай туриб бунга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини мувофиқлаштириб турадиган доимий ишлайдиган республикалараро комитет тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Нарх белгилаш, молиявий барқарорлик масалалари шу комитетнинг вазифасига киради. Тошкент учрашувида ана шундай иқтисодий идоранинг тафсилотларини муҳокама қилмоқчимиз.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов журналистлар билан суҳбатда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон Президентларининг Тошкентдаги бўлажак музокаралари ва учрашувининг ўзига баҳо бериб, учрашувнинг асосий мақсади Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарлари ўртасида ҳаракат дастурини ишлаб чиқишдан иборатлигини таъкидлади. Чунки, бозор муносабатларига ўтиш бутун минтақани оғир аҳволга солиб қўйди. Минтақа аҳоли турмушининг даражаси, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши жиҳатидан иқтисодиёти тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган бошқа республикалар олдида жуда қийин, нотенг аҳволга тушиб қолди. Бешта республиканинг муаммолари жуда ўхшашдир, шу сабабли уларни биргаликда куч-ғайрат сарфлаб ҳал қилиш керак. Минтақа халқларини озиқ-овқат, шу жумладан дон билан таъминлаш биринчи навбатдаги вазифалардандир. Лекин бу муаммолар марказда тез ҳал этилмаяпти. Иттифоқ идораларининг сусткашлиги ҳам, мавжуд зиддиятлар ҳам бунга сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам беш республика раҳбарлари ана шу масалаларни ҳал этиш учун Ўзбекистон пойтахтида тўпландилар.

Яна бир муҳим жиҳати. Минтақа халқларининг кўп асрлик тарихи давомида тил, анъаналар муштараклиги таркиб топди. Уларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш зарур. Бунинг устига ҳозирги мавжуд муаммолар ҳам ўхшашдир. Тез орада мустақил Совет республикаларининг шартномасини имзолашимиз лозим бўлади. У қандай қийин шароитларда тайёрланганлиги маълум. Ўзаро келишишга, ёнбосишга тўғри келди, албатта. Лекин энг муҳими шундаки, шартнома ҳар бир республиканинг суверенитетини таъминлайди, унинг ҳуқуқий мақомига кафолат беради. Шу боисдан биз Тошкент учрашувида Иттифоқ шартномасини имзолашдан олдин умумий муносабатни ишлаб чиқишимиз лозим. Аслида бундай муносабат ҳозирнинг ўзидаёқ вужудга келди. Унинг баъзи жиҳатларигина қолди, улар ҳам ҳал этилади, деб умид қиламан.

Шу куни юқори лавозимли меҳмонлар шарафига В. И. Ленин номли Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон санъат усталари концерт қўйиб бердилар.

Л. ЛЕВИН,
В. ПРУГЕР,
ЎзТАГ мухбирлари.

Суратларда: Қозоғистон ССР, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССР делегацияларини Тошкент аэропортида кутиб олиш пайти.

А. ГОРОКРИК ва Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган суратлар. (ЎзТАГ).

Ҳиндистон республикасининг Президенти Рамасвами Венкатараман жаноби олийларига

Жаноби олийлари!

Буюк Ҳиндистоннинг миллий байрами — мустақиллик куни муносабати билан Сизга Ўзбекистон халқи номидан ва шахсан ўз номимдан самимий қутловлар йўллайман.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида қадим асрларда бошланган анъанавий дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик иккала халқимиз манфаатлари йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланиб, ривожланиб бораверади, деб ишонч билдиришга ижозат этгайсиз.

Масъулиятли фаолиятингизда сизга муваффақият, Ҳиндистон халқига эса — тинчлик, равнақ ва омон-эсонлик тилайман.

Эҳтиром билан

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти.

МУШТАРАК ТАРИХИЙ ТАҚДИРЛАР

Бугун Ўзбекистон пойтахтида ўз ишини бошлаган Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари раҳбарлари учрашуви нақадар катта аҳамият касб этаётганлигини таъкидлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Янгиланган Иттифоқ қандай бўлади? Унда ҳар бир суверен республика қандай роль ўйнайди? Бу саволлар бир неча ой давомида қизғин баҳс ва мунозараларда муҳокама қилинди, ҳамма учун қониқтирадиган қарорлар изланди. Куни-кеча 20 августда дастлабки беш республика — Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Белоруссия ва Тожикистон Иттифоқ шартномасини имзолашлари маълум қилинди.

Ҳар бир суверен республика Иттифоқ шартномасида унинг манфаатлари тўла-тўкис ҳисобга олинишини, унинг ҳуқуқлари камситилмаслиги учун барча чораларни кўрганлиги табиийдир. Шу билан бир қаторда Иттифоқ шартномасида барча республикалар манфаатларини ҳам ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ эди. Чунки бутун мамлакат, ҳар бир республика олдида турган ғоят мураккаб муаммоларни биргаликдагина ҳал этиш мумкин. Буни қатор минтақаларда рўй берган ташвишли воқеалар яққол тасдиқлаб турибди.

Ана шундай вазиятда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон раҳбарлари ўз халқларининг энг эзгу орзу-умидларини ифода этиб, дўстлик, яхши қўшничилик, иноқлик намунасини кўрсатдилар. Ўтган йил 23 июнь Олмаотада бу республикалар ўртасида иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимдан ҳам, Ўрта Осиё ва Қозоғистон раҳбарлари имзо чеккан Мурожаатнома ва Баёнотдан ҳам ана шу фикр қизил ип бўлиб ўтади. **«Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон халқларини**, — дейилади Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон раҳбарларининг Баёнотида, — **нафақат жуғрофий яқинлик, айни вақтда муштарак тарихий тақдирлар, маданиятлар, анъаналар ва расм-русумларимизнинг яқинлиги ҳам бирлаштириб турибди»**.

Буни ҳар беш республика саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари, колхоз ва совхозлари ўртасидаги чамбарчас иқтисодий алоқалар, маданиятларимиз дўстлиги, халқларимизнинг бир-бирларига қудаандалиги, биз бир дарёдан сув ичиб, бир заминда аҳил-иноқ яшаётганлигимиз яққол исботлаб турибди. Бу дўстлик, биродарлик, қардошлик, оға-инилик халқларимиз бошига оғир мусибат тушган кунларда ҳам, қувончли дамларда ҳам кўп марта намоён бўлган ва бўлажак.

Бугунги кунда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари ўз хусусиятлари ва таркиб топган шароитлардан келиб чиққан ҳолда тараққиёт йўлларини белгилаяптилар. Лекин улар учун муштарак бўлган яқинликлар ҳам анчагина. Минтақамиз ноёб табиий-иқлимий шароитларга, бой имкониятларга эга. Халқларимиз жуда меҳнатсевар. Беруний ва Синонинг шогирдлари ҳозир ҳам фан тараққиётининг энг олдинги марраларида турибдилар.

Афсуски, минтақа иқтисодиётининг юзага келган йўналиши, айниқса республикаларимизнинг хом ашё етказиб берувчи минтақа бўлиб қолганлиги бизни иқтисодий жиҳатдан ривожланишда орқада қолишимизга сабаб бўлди. Атроф-муҳитнинг, кўпгина ижтимоий соҳаларнинг аҳволи жиддий ташвиш туғдирмоқда. 50 миллиондан ортиқ киши яшайдиган минтақанинг истиқболи бугунги кунда Орол муаммоларини ижобий ҳал этишга ҳам боғлиқлиги маълумдир.

Бу галги учрашув Олмаотада бошланган дўстона мулоқотни янада ривожлантириши ва чуқурлаштириши, ҳамкорликнинг янги уфқларини очиб бериши турган гап. Бу учрашув янги Иттифоқ шартномасини имзолаш арафасида ўтаётганлиги айниқса катта тарихий аҳамият касб этади.

⊙ Тошкент учрашувининг қатнашчиларига уларнинг хайрли ишларида катта муваффақиятлар тилаш билан бир қаторда беш республика раҳбарларининг мулоқоти халқларимизнинг туб манфаатларига хизмат қилишини алоҳида таъкидлаган ҳолда беш оға-ини жумҳурият халқларининг ўзаро қардошлиги ва бебаҳо дўстлиги шарафига бағишланиб тайёрланган ҳамда «Оқшом» рўзномасининг бугунги сони 2 ва 3-бетларида муштарийларимиз эътиборига ҳавола этилаётган қўш саҳифа материалларини ўқишга таклиф этамиз.

БИЗ ШИДДАТЛИ СИЕСИЙ ЖАРАЕНЛАР, ҚАДРИЯТЛАРГА ҚАЙТА БАҲО БЕРИШ, ҲАЕТНИНГ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ, ЭКОЛОГИК ВА МАЪНАВИЙ СОҲАЛАРДАГИ ТАНГЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ДАВРИНИ БОШИМИЗДАН КЕЧИРМОҚДАМИЗ. БИЗ АНА ШУ МУРАККАБ ТУБ БУРИЛИШ ДАВРИДА ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ҲАРАКАТЛАРИМИЗ БИРЛИГИГА ЭРИШИШИМИЗ ВА КУЧ-ҒАЙРАТЛАРИМИЗНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШИМИЗ АЙНИҚСА ЗАРУР. ЎРТА ОСИЁ ЖУМҲУРИЯТЛАРИ ВА ҚОЗОҒИСТОН РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ ХУДДИ ШУ ВАЗИФАЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

(Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон республикалари раҳбарларининг 1990 йил 23 июнь куни Олмаота шаҳрида қабул қилган Баёнотидан).

ЮЛДУЗ

ҲАММАНИНГ ўз юлдузи бўлади. Бу тақдир юлдузи.

Осмонда ҳам юлдузлар чарақлаб турибди. Болаликда ҳамма юлдуз санайди. Ўз юлдузини белгилайди. Кексайиб ҳам ўша юлдузни қўмсайди, излайди. Топса кўнглига таскин югуради.

Менинг ҳам бир юлдузим бор. Бу юлдузни наинки мен, миллионлаб одамлар севади, ардоқлайди. Фақат у ердаги юлдуз. Унинг ҳар бир қиррасининг жондай азиз номи бор: Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон. Унинг таянч нуқтаси она Замин, Ўрта Осиё!

Бу шундай юлдузки, ҳар қиррасидан болу шарбат томади. Ҳар қиррасининг таърифи ўнлаб достон қилгулик.

У шундай бир қўшиқки уни юз йиллар куйласа ҳам, тўймай тинглайди киши.

У шундай бир чашмаи зилолки, минг йил ҳўпласа ҳам тўймайди киши.

У шундай чароғон бир шуълакорки, бир қатим нури ила одам боласи абад бир-бирига дўсту ёр бўлгуси!

Бу юлдузнинг кўкси ниҳоятда баланд: Помиру Тянь-Шань, Копетдоғу Чотқол, Кўкчатов ҳам Олатов унинг номи. Унинг юксак бошида мангу оппоқ қор ярақлаб туради. Ирмоқ—томирларидан зилол сувлар шарқиллаб водийларга жон бахш этади.

Бу юлдузнинг улкан қасрлари бор, олам аҳли ҳар нафас уларга мафтун, беун тикилади. Бўёқларию нақшлари, беқиёс гўзаллигига тан беради. Бу қасрлар Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент, Туркистон, Ўтрор, Марв, Хўжанд, Бишкек, Ўш, Фируза номларида ардоқланади, куйланади.

Бу юлдузнинг тупроғини жаннатдан олинган деб нақл этадилар. Шу сабаб «унга бугун чўп суқсанг, эртага дарахт бўлади» деган ҳикмат юради эл орасида. Шу сабаб минг бир номдаги узуму олма, анорлар, қовуну тарвузларнинг мазаси тилни ёради.

Бу юлдузнинг тенгсиз бойлиги — йигит-қизлари Алпомишу Барчиной, Манасу Қизжибек, Рустаму Заррина, Вомиқу Узро, Саётхону Ҳамро сингари алп келбатли, аҳдида вафодор, лабзи ҳалол, фидойилардир.

Бу юлдузнинг бахти — унинг алломаларидир. Асрлар қаърини ёриб ўзининг тафаккур дурларини бизга ҳадя этаётган Тўқтағулу Ҳилолий, Аҳмад Яссавию ҳазрат Навоий, Камол Хўжандию Абай, Мирзо Бобур, Ғафур Ғулому Собит Муқонов, Ойбеку Мухтор Авезов, Мирзо Турсунзодаю Чингиз Айтматов сингари табаррук зотлар бу юлдузни мангу нурлантириб туради.

Бу юлдузнинг қудратли ўқ илдизи бор. Бу — дўстлик!

Бу юлдузнинг сўлмас, қуримас бир гули бор. Бу —қардошлик, бирлик гули!

Бу юлдузнинг мангу нияти, орзуси бор. Бу — баҳамжиҳатлик!

Мен сизга айтмоқчи, таърифламоқчи бўлган юлдуз ана шунақанги ажиб юлдуз. Унинг таърифини қилган билан тонг отмас, кун ботмас.

Биз ана шу юлдуз бағрида камол топаётган авлодмиз. Ушбу юлдузнинг бирон қирраси ҳам бежо бўлмаслиги, ўрнидан қўзғалмаслиги керак. Чунки қуёш нурларидан, ўрмон дарахтларидан, турна ўз тўдасидан, гул япроғидан ажраса ҳалокатга маҳкум бўлганидек, юлдузнинг қирраларидан ҳам воз кечиб бўлмагай. Яна ҳам очиқ айтсак эт—тирноқдан, она — фарзанддан, ушбу юлдуз — қиррасидан ажралмасин.

Бунинг учун нима қилмоғимиз даркор? Энг аввало қўлни-қўлга бериб, яшамоғимиз, ҳол-аҳволимиздан бохабар юрмоғимиз, ҳар қандай юмушда бирбиримизга елкадош бўлмоғимиз зарур. Бу — ҳаёт тақозоси. Чунки, ўзбекнинг пахтаси, қора кўли; қирғизнинг чексиз яйловлари, сурув-сурув қўйлари; қозоқнинг буғдойи, чорваси, туркманнинг арғумоқлари, нефти; тожикнинг Вахшдан таралаётган электр нурларини якка-якка мадҳ этиб бўлмайди. Улар инсонга хизмат қилар экан, демак, бир бутун! У шу бутунлиги билан жаҳонга ардоқли, азиздир. У шу ҳамжиҳатлиги билан душманлар кўнглига ҳам дўстлик уруғини сочаверади.

Сўзимни мухтасар қилай: ушбу юлдузимиз омон бўлсин ҳамиша. Ҳамиша нури, файзи билан димоғларимизни чоғ, кўнгилларимизни боғ қилсин!

Омон бўл, ҳамиша дўстлигимиз, бирлигимизни намоён этадиган ҳур юлдузимиз!

Темур УБАЙДУЛЛО.

ЯРИМ АСРЛИК ТАРИХ

1935 ЙИЛГА қадар Қирғизистондаги кинематографчиликка оид суратга олиш ишлари йўл-йўлакай бўлар эди. Ўттизинчи йилларнинг ўрталарига келиб бу ишлар режа билан амалга оширила бошлади. Кинохроника Бош бошқармасида Душанбе, Бишкек, Олмаотада мухбирлар бўлими тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Барибир бу масала охиригача ҳал бўлмади, мухбирлар бўлими очилмади.

Бишкекка айни пайтда бошқа республикалардан (энг аввало қўшни Ўзбекистондан) киночилар келишар, бу ердаги муҳим воқеаларни лентага кўчиришарди. Бу ҳақда «Совет Қирғизистони» рўзномаси 1935 йил 12 февралда шундай ёзганди:

«Қирғизистон жанубида Қорасув пахта заводи, Ўш пиллакашлик фабрикаси, Қизил қия конлари суратга олинди. Шимолда эса Иссиқкўл, Боум дараси, «Томчи» қўйчилик совхози, Чўмич тўғони кинога туширилди, Маданий қурилишларга кенг ўрин берилди: пединститут, коммунистик олий ўқув юрти — кинолентага кўчди. Материаллар қайта ишлаш учун Ўзбекистонга, кинофабрика лабораториясига юборилди».

1934 йилдан бошлаб Қирғизистонга киноҳужжатчи Малик Қаюмов (ҳозир СССР халқ артисти) тез-тез ташриф буюрди. У киши ўша йилларни шундай хотирлайди: «Мен асосан Олмаота, Чимкентда суратга олдим. Кейин Бишкекка келдим. Киногуруҳимиз икки кишидан иборат эди. Мен, иккинчиси Қосим Муҳамедов — ҳам оператор, ҳам ассистент, ҳам ҳайдовчи. Икки йил давомида жуда кўп сюжетларни лентага кўчирдим».

1937 йилда Бишкекда мухбирлар бўлими очиш масаласи яна кўтарилди. Бу сафар Тошкент «Союзкинохроника» студиясининг бўлимини очиш мақсадга мувофиқ деб топилди. 1937 йил 14 июлда «Совет Қирғизистони» ушбу хабарни босиб чиқарди:

«Қирғизистонда Тошкентдаги «Союзкинохроника» студиясининг доимий мухбирлар бўлими ташкил этилмоқда.

Бишкекка кинооператор ўртоқ Қаюмов, унинг ассистенти ўртоқ Муҳамедов ва бошқа ходимлар аллақачон келиб, иш бошлаб юбордилар».

— Бизнинг гуруҳимиз республика эришган ютуқларни суратга оларди, — деб эслайди Малик Қаюмов. — Янги қурилишлар, жамоа ва давлат хўжаликлари, қирғиз дўстларимизнинг меҳнати, дам олиши ленталарда ўз ифодасини топар эди. Барибир бизга қийин эди. Ҳали пул етишмасди, ҳали шароит йўқ эди. Барибир ишладик».

Ҳозир «Қирғизфильм» киностудиясида йилига бир неча бадиий, хроникал-ҳужжатли фильмлар, ўнлаб киножурналлар ишлаб чиқарилади. Лекин унинг асосчиларини қирғиз киносанъаткорлари ҳамиша ҳурмат ва эҳтиром билан эслайдилар.

— Ўзбекистондан Қирғизистонга кўплаб ўртоқларим келишганди, — деб хотирлайди Малик Қаюмов. — Николай Голубев, Павел Пак, Алим Раҳимов, Шер Зоҳидов. Уларнинг кўпчилиги ҳаёт билан видолашган бўлса ҳам керак. Лекин улар Қирғизистонда яратган киносолнома бор. Истаган одам уни кўриб, ярим асрдан зиёд нарида бўлган воқеаларга шоҳид бўлади.

Икки киностудиянинг бирбири билан чамбарчас боғлиқлиги маданиятларимиз муштараклигига яна бир ёрқин далилдир.

Тўлқин МАҲКАМОВ.

⊙ Қозоғистон диёрида ўзбек адабиёти ва санъати кунлари катта шодиёна билан ўтади. 1960 йил бу азиз диёрда бўлган ана шундай анжуман қатнашчилари металлургия заводини кўздан кечиришмоқда.

●

⊙ Таниқли қозоқ шоири Ғали Ўрмонов Ўзбекистондан меҳмон бўлиб борган ёзувчилардан Ҳамид Ғулом ва Сергей Бородин билан Эшиккўли соҳилида сайр қилган пайт.

Дунёни меҳр-оқибат асрайди

ГЎЗАЛ Тошкентимиз азал-азалдан Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистон жумҳуриятлари заминида яшовчи халқларнинг маданий маркази бўлиб келган. Бу яхши удум Октябрь инқилобидан кейин ҳам давом этиб келяпти. Таниқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов «Тошкент — бу Ўрта Осиё халқларининг ренессансидир», деб ёзган эди «Правда» рўзномасида. Ҳақиқатан ҳам Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларида яшаб, ижод қилаётган бадиий, сиёсий зиёлининг қарийб ярми Тошкентда ўқиб илм олган, десак янглишмаймиз.

Буюк қозоқ ёзувчиси Мухтор оға Авезов, таниқли туркман прозаиги Хидир оға Деряев, тожик насрнавислари Жалол Икромий, Улуғзода, Қирғизистон Жумҳуриятининг Президенти Асқар Ақаев ва бошқа ўрта бўғин авлодларнинг юзлаб вакиллари шу Тошкентимизда таҳсил олганлар. Улар шаҳримизга ташриф буюришганида «Тошкентга меҳмонга бориб келай», деб йўлга чиқишмайди: «Ўз шаҳримга, қариндошларимнинг олдига, дўстларимнинг, устозларимнинг олдига бориб келай», деб йўлга чиқишади.

Буюк бу инсонларнинг Тошкентимизда ўз сиғинган устозлари бўлган. Буюк Мухтор оға Ойбек домлани ўзига устоз санарди. Чингиз оға ҳам ўзбек адабиётининг оқсоқолларини ўзига устоз деб билган. Устоз Ғафур Ғулом ҳам талайгина қозоқнинг, қирғизнинг, туркманнинг, қорақалпоқнинг, тожикнинг устози саналган. Шунингдек, биз ҳам Мухтор оғани, Мирзо Турсунзодани, Чингиз Айтматовни, Асан оға Бегимовни, Берди оға Кербобоевни ҳурмат билан устоз, муаллим деб атаймиз.

Гап бу ўринда кимнинг кимдан нимани ўрганганида эмас. Гап шундаки, миллий адабиётларимизнинг ва маданиятларимизнинг яна ҳам барқ уриб ўсиши ҳамда ўзаро алоқаларнинг яна ҳам ривожланиб кетиши учун лозим бўлган муҳим омиллардан бири — ўша миллий адабиётлар ўзаро алоқаларининг кучайишида, яна ҳам мустаҳкамланишида деб билмоғимиз керак.

Ҳозир барчага маълумки, мамлакатимиз қийин иқтисодий ва сиёсий жараённи бошдан кечирмоқда. Барча хурсандчиликларнинг, кўнгилсизликларнинг боши — мамлакатда ҳукм сураётган сиёсий ва иқтисодий жараёнга боғлиқ, муомала ва мулоқотга боғлиқ. Бу нарсалар ўзингизга маълумки, кейинги пайтларда бироз оқсаб турибди. Мана шундай пайтларда одатда ўтган ёруғ кунларни армон билан эслаймиз. Ўша кезларда отахон шоиримиз Ғафур Ғулом қозоқ биродарларимиз билан дўстлигимизни ифодалаб: «Биз бир китобнинг икки бетидурмиз!» деган эди. Маълумингизки, яхлит китобнинг бир бети йиртиб олинса иккинчи бети нотугал, тушунарсиз бўлиб қолади. Ёки қозоқ шоири Асқар оға Тўқмағамбетовнинг икки халқ дўстлиги ҳақидаги мана бу гапига қулоқ беринг:

Бир дарахтнинг сояси
То тушгача меники,
Тушдан кейин сеники... —, дейди

Ҳа, биз ҳозир дўстлигимиз, қон-қардошлигимиз шаънига айтилган мана шундай ширин лутфларни қўмсаб қолдик. Қани ўша қариндошлигимизни, биродарлигимизни улуғлайдиган олтинга ҳам бергусиз гапларимиз? Қани ўша қон-қардошлигимизни, дўстлигимизни ифодалайдиган истифоларимиз? Ҳозирги ёшларимиз бу муқаддас туйғуларни ифодаловчи улкан авлод эстафетасини давом эттираяптими? Нафсиламбирини айтганда, бу масала сал оқсаб турибди. Ҳозир биз учун, халқимиз учун бунақа гаплар сув билан ҳаводек зарур. Ҳозирги сиёсий ва иқтисодий танглик даврида кўнгилга таскин берувчи гаплар жуда асқотади.

Шу билан бирга, яшаётган заминимизда ҳаммамиз баҳамжиҳат ҳал қиладиган муаммоларимиз ҳам жуда кўп. Тўғри, илгари биз учун марказ ўйлайди, деб кўп нарсаларни бой берганимиз мана энди билинмоқда. Марказ эса кўпгина соҳаларни жудаям чалкаштириб юборган экан. Буни қарангки, ҳатто қўни-қўшничилигимиз ҳам, қардошлигимиз-у дўстлигимиз ҳам марказ орқали ҳал бўлар экан. Мана шунинг натижасида биз бир-биримиздан йироқлашиб қолганимиз ҳеч кимга сир эмас. Иқтисодий, сиёсий алоқаларимиз ҳам, олди-бердиларимиз ҳам марказ орқали бўларди. Мана энди Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистон минтақасидаги оға-инилар бир жойга тўпланиб, дўппини олиб қўйиб ўйлашадиган пайт келди.

Агар шундай қилинса, мен биринчи масала қилиб орфография масаласини ўртага ташлаган бўлар эдим. Негаки, бир-биримизни равон ўқимай туриб, равон тушунмай туриб, муддаоларимизга эриша олмаймиз. Ҳеч кимга сир эмаски, биз илгарилари араб, лотин алифбосида эканимизда бир-биримизни яхши ўқий олар эдик. Лотинчада ёзилган китобни ўзбек ҳам, қозоқ ҳам, туркман билан қирғиз ҳам, қорақалпоқ билан татар ҳам бирдай ўқий олар эди. Энди эса бир-биримизни таржимасиз тушунолмай қолдик. Биз бир-биримизни равон ўқий оладиган даражага етишимиз учун барчамиз бир юмалоқ стол атрофига тўпланиб, ягона имломизни яратишимиз керак. Ана ундан кейин бошқа муаммоларга ўтганимиз маъқул.

Муаммолар бизда ўта бисёр. Масалан, ҳаммамизнинг тақдиримизга, ҳаёт-мамотимизга алоқадор Орол масаласи. Маълумингизки, биз бу масалани съездда ҳам, марказий обрўли анжуманларда ҳам, матбуотда ҳам айта-айта чарчадик. Аму билан Сир дарёлари туфайли унган ноз-неъматдан баравар, ҳатто ортиқ манфаат кўрган биродарларимиз Оролимиз фожиасидан ўзларини олиб қочяптилар. Икки дарё сувини сарф қилган бўлсак, биз ўзимизнигина эмас, Иттифоқни ўйлаб сарф қилган эдик, биродарларимизнинг ҳам фаровонлигини ўйлаб сарф қилган эдик. Шундай бўлгандан кейин, Оролни қайта тиклашда ҳам «бир маҳаллар унга тушадиган сувнинг роҳатини бирга тотган эдик-ку», деб ҳамият кўрсатишимиз керак эди. Мана энди бу муаммони ҳам ўз минтақамиздаги қардош биродарларимиз билан бамаслаҳат ҳал қилишимизга тўғри келиб турибди.

Баҳамжиҳат ҳал қилишимиз лозим бўлган навбатдаги масалалардан бири — иқтисодий ҳамкорлик масаласи. Шукроналар бўлсинки, заминимизда йўқ нарсанинг ўзи йўқ: ўзбекнинг олтини, мева-чеваси, пахтаси-ю пилласи, туркманнинг гази, така ёвмут тулпорлари, қорақалпоқнинг шолиси-ю қовуни, қирғизнинг маренос қўйларидан қирқиладиган олий навли жунлари, қозоқнинг ғалласи-ю, темири билан кўмири, гўшти, тожикнинг пилласи-ю, меваси... хуллас, бу заминда устоз Ғафур Ғулом айтганидай, Менделеев жадвалидаги барча бойликлар бор. Пахтамизнинг ўзи оламжаҳон. Қоракўлимизнинг ўзи бир дунё. Иттифоқ шартномаси асосида тенглар ичида тенг бўлиб, оға-ини бўлиб олиш-бериш қилсак, ҳамма нарсани ўрни-ўрни билан ишлатсак, биримизда йўғини иккинчимиз коримизга яратсак, хориж тижоратига бамаслаҳат чиқсак, бунга нима етсин! Биздан бой мамлакат бўлмайди!

Манзумам юқорисида мен орамиздаги дўстлик ришталари сал бўшашиброқ қолди, деган гапни айтган эдим. Яхши лутфларни қўмсаб қолдик, деган эдим. Назаримда, буни қайта тиклаш учун борди-келдиларни жойига қўйишимиз керак шекилли. Борди-келдини шу маънода тушуниш керакки, адабиётларимизнинг вакиллари, санъатимиз намояндаларининг борди-келдиларини жойига қўйиш керак, адабиёт ва санъат ўн кунликларини қайта тиклаш лозим. Ҳозирча орфографияларимизнинг чатоқлиги туфайли ўз она тилимизда ўқишдан маҳрум эканмиз, бир-биримизнинг асарларимизни кўпроқ таржима қилишимиз зарурга ўхшаб турибди. Нима, шундай нарсалар бўлмаяптими, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Ҳа, илгаригидай бўлмаяпти! Бунга бозор иқтисодига ўтаётганимиз, қоғоз танқислиги сабаб, ҳамма нарсани пул билан ўлчаётганимиз сабаб. Ваҳоланки, дўстликни, қардошликни, биродарликни пул билан ўлчаб бўлмайди. Бу бизнинг бебаҳо бойлигимиздир.

Худди шу маънода аввалги йили жумҳуриятимиз Президентлари Олмаота шаҳрига тўпланиб, бу масалаларни батафсил гаплашиб олишган эдилар. Раҳбарларимизнинг бу ҳаракатларини минтақадаги барча элатлар қўллаб-қувватлашган эдилар. Ўйлаймизки, бунақа учрашувлар яна ва яна бўлади. Эндиги гап раҳбарларимизнинг яхши ўйлари, режаларини амалга оширишда биздан бирдамлик, ҳамкорлик, хайрихоҳлик талаб қилинади. Биз бирлашишимиз керак. «Бирлашган ўзади, бирлашмаган тўзади», «Бўлинганни бўри ер», деб беҳудага айтмаган халқимиз!

Айтаверсак гап кўп, муаммо кўп. Гап уни бирлашиб, баҳамжиҳат ҳал қилишда. Ўйлаймизки, бир ёнимизда: «Ҳа, ўртоқ!» деб ўзбек турса, бир ёнимизда: «Ия, жўлдас!» деб қозоқ турса, у ёндан: «Чи гап, бародари азиз!» деб тожик келса, бу ёндан «Эмне, жўлдўш!» деб қирғиз келса, туркман дўстимиз: «Селам, дўғон!» деб олдингдан чиқса, «Ова!» деб қорақалпоқ эргашса, битмайдиган иш бор эканми? Ҳамма нарса битади, ўрни-ўрнига тушади. Бу кунларни кўрмагандай бўлиб кетамиз ҳали! Ҳамма гап оғзи бирликда!

Дунёни меҳр-оқибат асрайди.

Носир ФОЗИЛОВ,
Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти совриндори.

Дўст уйидаги ёлқин

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ўртасидаги маданий ва иқтисодий алоқалар қанчалар кенг ривожланганини ҳамма ҳам билавермаса керак. Ушбу ҳамкорлик ишлари ҳақида икки оғиз сўзласак, унинг кўлами кўз олдимизга келади.

Ҳозирги кеча-кундузда гумбурлаб ишлаб турган Учқўрғон, Тўқтағул, Кўрпасой гидроэлектростанцияларининг лойиҳаларини ўзбекистонлик муҳандислар тайёрлашган. Батамом битиш арафасида турган Тошкўмир ҳамда Шамоллисой нурхоналари лойиҳаси ҳам ҳамшаҳарларимиз қўли билан яралган. Бундан ташқари қардош жумҳуриятга йўл оладиган ипак толалар, экскаваторлар, тракторларни санаб адоғига етолмайсиз.

Айни вақтда тоғлар юрти Қирғизистон Ўзбекистон заводларига рангли металлар, автомат линиялар, темирчилик-пресслозчи жиҳозлар ва бошқа техник воситалар етказиб беради. Қирғизистонлик сувсозлар эса Ўзбекистон пахта далаларини ўз сув омборларидан оби ҳаёт билан таъмин этяптилар. Қўли қадоқ ишчилар эса қишлоқ хўжалик машиналари ва дастгоҳлар, электр-ҳисоблаш техникаси жўнатяптилар.

Тошкентимиз бағрини бир айланган киши, 1966 йилдаги зилзила асоратларини тугатиш учун келган қирғиз қурувчилари ҳимматига раҳматлар айтадилар. Улар тиклаган уйлар кўзларимизга худди оловдек бўлиб, қад кериб турибди.

Андижон ва Ўш вилоятлари радио марказлари жамоасининг дўстлиги сифатида Каравон посёлкасидаги радиоузатгич станциясини айтиб ўтиш жоиз. Ўш, Наманган, Андижон вилоятларининг ўн минглаб аҳолиси шу радиоузатгич ёрдамида Марказий, Ўзбекистон ва Қирғизистон телевидениелари эшиттиришларини рангли тасвирда томоша қилмоқдалар.

Газли — Чимкент — Жамбул — Бишкек — Олмаота шаҳарларидан ўтган қувурлардан оқаётган газ дарёси халқларимиз дўстлигининг яққол ифодасидир. Худди ўзбек оловкорининг қалби қирғизистонлик ва қозоғистонлик дўстлар уйида ёниб тургандек!

Ҳамкорлигимизнинг янги-янги қирралари очилаверади, улар жумҳуриятларимиз фаровонлигига хизмат қилаверади.

Тоҳир ЙЎЛЧИЕВ.

Қирғизистон автомобилсозлик корхонаси республикадаги энг катта ишлаб чиқариш бирлашмаларидан ҳисобланади. Бу ерда асосан автомобиль ва унинг прицеплари тайёрланади.

СУРАТДА: ўз ишининг усталари В. Сальников, М. Бибаев ва А. Петнерлар янги прицепни созламоқдалар. Яна бир неча дақиқалардан кейин янги техника воситаси ўзининг меҳнат жараёнини бошлашга шай бўлади.

В. Лазар олган сурат.

ҚЎШНИЛАРГА БИРИНЧИ НАВБАТДА

ШАҲРИМИЗДАГИ қайси бир корхонага борманг у ерда турли миллат вакиллари меҳнат қилаётганлигининг шоҳиди бўласиз. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг маълум миқдори Иттифоқдош республикалар қаторида Ўрта Осиё республикаларини ҳам таъминлаб туради.

Мана, мисол тариқасида Ҳамза районини олиб кўрайлик. Бу районда 30 га яқин корхона ва бирлашмалар мавжуд. Уларнинг ҳар бири турли миқдорда қўшни республикаларга асосий ишлаб чиқарилган маҳсулот билан бирга халқ истеъмоли буюмларини етказиб бермоқда. Райондаги биргина «Ташэлектромаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўзи кўплаб миқдорда пайвандлаш трансформаторларини ўз вақтида жўнатиб турибди.

— Корхонамиз ҳамкорлик ва ҳамдўстликни чексиз эъзозлайди, — дейди директор муовини Загид Мардашин. — Чунки бу ерда турли миллат ва элат кишилари меҳнат қилади. Уларнинг қадоқ қўллари яратган маҳсулотларни ўз вақтида, қўшни республикаларга узлуксиз жўнатиб турамиз. Келинг, узоққа бормай ўтган етти ойлик рақамлар ҳақида тўхталсам. Биз тузилган шартномага кўра тайёр маҳсулотларни биринчи навбатда жўнатяпмиз.

Шу кунгача Бишкекка 313 та — 219 минг сўмлик, Душанбега 200 та — 140 минг сўмлик, Ашхободга 138 та 96,6 минг сўмлик, Олмаотага 1020 та — 174 минг сўмлик тайёр маҳсулот юбордик. Бундан ташқари халқ истеъмоли буюмларидан турли миқдорда сочиқ қуритгич, иситгич, «Фантазия» деб номланган лампа, пластмассадан тайёрланган илгич ва бошқа шунга ўхшаш буюмларни етказиб бердик.

Гулзода МАМБЕТОВА.

ДОРИЛФУНУН ЗИЁСИ

⊙ Дўстликнинг қадр-қимматини меҳр-оқибат, ҳамкор-ҳамжиҳатлик, орзу-ниятга ҳамдамликда интилиш, ўзаро ёрдам каби омиллар оширади. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари қадимдан барча соҳалар қатори маориф-маърифатни биргаликда ривож топтирганлар. Буни Шарқдаги биргина улуғ илм даргоҳи — Тошкент Давлат дорилфунуни тарихи мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. 1920 йилда Туркистон Давлат дорилфунуни деб ташкил топган мазкур илм даргоҳида юзлаб миллат фарзандлари таҳсил олиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари халқларининг маърифий, маданий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётга беқиёс ҳисса қўшганлар. Миллатлараро муносабатлар масаласи долзарб бўлиб турган айни кунларда ҳам бу илм масканида турли халқларнинг фарзандлари қон-қардош ва дўст-биродар бўлиб олий билим олмоқдалар. Шу ҳақда дорилфунун ректори, СССР халқ депутати, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Эркин ЮСУПОВ билан суҳбатлашдик.



— Эркин Юсупович, сиз раҳбарлик қилаётган дорилфунун бир пайтлар бутун Туркистонда ягона илм даргоҳи эди, бу ерда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари халқларининг фарзандлари баҳамжиҳат билим оладилар. Халқларимиз дўстлигига дорилфунун қай даражада ҳисса қўшди?

— Қувончлиси шундаки, Ўрта Осиё, Қозоғистон халқларининг тарихи, маданияти, тили ва ҳатто урф-одатлари, бир сўз билан айтганда, тақдири, бир-бирига ниҳоятда туташ, чамбарчас боғлиқ. Дунёда халқларимиздек қуда-анда, қон-қариндош тутинган, бирининг тақдири иккинчисининг қисматига таъсир этмай қолмайдиган юртни топиш қийин. Маданият-маърифимиз ҳам ҳамда халқларимиз ҳаёти билан боғланиб кетган.

1920 йили Ленин имзоси билан ташкил этилган Туркистон Давлат дорилфунунининг асосий мақсади Ўрта Осиё халқларининг маданий, илмий ва иқтисодий ҳаётига ижобий таъсир этиб, юқори, тараққиёт йўлига олиб чиқиш эди. Дорилфунун аввалига Туркистон Давлат дорилфунуни, сўнгра Ўрта Осиё Давлат дорилфунуни, ниҳоят, Тошкент Давлат дорилфунуни номлари билан юритилди. Аммо номи ўзгариб борса ҳам, мақсади ўзгармади, фаолияти эса мукаммаллашди. Дорилфунуннинг дастлабки талабалари тожик, ўзбек, қозоқ, туркман, қорақалпоқ каби Туркистонда истиқомат қилувчи миллат вакиллари эди. Улар орасидан давлат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар, санъат ходимлари ҳам етишиб чиққан. Дорилфунунга раҳбарлик қилган ректорлар ҳам турли миллат фарзандлари, жумладан Қори Ниёзий — ўзбек ва Султон Умаров — тожик, С. Муровейский рус ва ҳоказо эди. Ҳозирда Ўрта Осиё республикаларидаги ҳозирги йирик олимлар, сиёсат арбоблари ҳам дорилфунунимизнинг собиқ талабаларидирлар. Бир сўз билан айтганда, Туркистоннинг дастлабки зиёлилари ана шу олий даргоҳдан чиққан.

— Ҳозирги пайтда дорилфунун қўшни республика олий ўқув юртлари билан олиб бораётган илмий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликлар нималардан иборат бўляпти?

— Дорилфунунда мавжуд 15 куллиётнинг кундузги, кечки ва сиртқи бўлимларини ҳар йили 2000 дан ортиқ ёшлар битириб, мутахассислик шаҳодатномаси олади. Шулардан бир қанча мутахассис қўшни республикаларга амалий фаолият учун юборилади. Ўқишга қабул қилиш борасида ҳам ҳамкорлигимиз мустаҳкам. Жумладан, физика, амалий математика ва механика, роман-герман филологияси, фалсафа-иқтисод, тупроқшунослик каби йирик факультетларимизга қўшни республикалардан таълим олишни истаб шартнома асосида келган ёшлар танловсиз қабул қилинади. Бундан ташқари, бошқа республикалардан келган кўплаб ёшлар ҳар йили танлов асосида дорилфунун талабалари сафига киритилади.

Бундан ташқари, олий даргоҳимиз Қозоғистон Давлат дорилфунуни билан шартнома тузган. Келишувга асосан бу икки дорилфунун кадрлар тайёрлаш ва илмий-методик ишларни ҳамкорликда олиб бориш масалалари билан шуғулланади. Душанбе, Бишкек, Ашхобод дорилфунунлари билан фан йўналишида олиб борадиган ҳамкорлигимиз эса қуйидаги уч тармоқ асосида ривожланмоқда. Биринчи, Ўрта Осиё тарихини мукаммал ўрганиш, бу соҳадаги муаммоларга жавоб излаш, иккинчи, маданий меросимизни ўрганиш, халқларимизнинг бу борадаги бир-бирига боғлиқлик жараён моҳиятини очиб бериш, учинчи табиий фанлар (математика, тупроқшунослик, геология, экология) бўйича биргаликда илмий иш олиб бориб, республикалар иқтисодий ривожланишининг истиқболларини ишлаб чиқиш.

Ҳозирда қондош халқларимиз чекига тушган фожиалардан—Орол муаммоси бутун Ўрта Осиё республикаларини ташвишга солиб қўйди. Бу экологик фожианинг олдини олиш фақат ҳамкорлик асосида олиб борилгандагина ўз ечимини топади. Шуни асосий масала деб билган ҳолда Оролбўйи зонасининг тупроқ структурасини ўрганиш, Орол денгизига яқин ҳудудларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги системасини ишлаб чиқиш каби бир қатор вазифалар Ўрта Осиё илм аҳли бирдамлигида ҳал бўладиган масалалардан биридир.

— Эркин Юсупович, ҳозирги иқтисодий, сиёсий ва маънавий инқирозлар юз бериб турган, халқимиз шароитидан келиб чиқиб айтганда, ушбу оғир вазиятда қўшни республикалар билан ўзаро дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашда нималарга кўпроқ эътибор қаратмоғимиз лозим?

— Юқорида айтиб ўтганимдек, ҳар қандай қийин вазиятда ўзаро ҳамкорлик, бирдамлик ва дўстлик муносабатларига суяниб, ҳар бир муаммо ечимига оқилона ёндошиш ютуқлар гаровидир. Аввало, тарих сабоқлари, маданий меросимиз, миллий қадриятларимиз каби унутилиб бораётган халқ маънавий бойликларини ёшлар, яъни келажак авлод онгига сингдириб боришимиз лозим. Бу эса, ўз-ўзидан ҳар томонлама ривожланишнинг кенг имкониятларини очиб беради.

Ҳозирги иқтисодий қийинчиликни келтириб чиқарган асосий омил Ўрта Осиё республикаларининг хом ашё базаси бўлиб келганида, деб биламан. Бу адолатсизлик эса, ҳар қандай иқтисодий жиҳатдан бой мамлакатнинг ҳам тараққиёт йўлини кесиб қўяди, чунки табиий бойликлар миқдори чексиз эмас. Шунинг учун иқтисодий муаммоларни ҳал этаётганимизда Ўрта Осиёнинг жуғрофий шароитидан келиб чиқиб иш юритишимиз лозим.

Тарих сабоқлари ва боғланиб кетган истиқболларимиз йўлларини ўйлаганимизда кўз олдимда Ўшдаги қирғинбарот қон тўкишлар ҳаммамизни хушёрликка чақирувчи сабоқ сингари жонланади. Нима учун шундай бўлди? Минг йиллар давомида қондошлик ришталари билан чатишиб кетган икки миллат қандай сабаб билан бир-бирига тиғ кўтарди?! Сабаби аён: биз халқларнинг регионал чегараланиши миллий чегараланиш эмаслигини унутиб қўйдик, ўтмиш тақдиримиз туташ бўлгани каби келажак тақдиримиз ҳам бир-бирига боғланиб боришини ёддан чиқардик. Ахир, Ўш, Хўжанд, Тошовуздаги ўзбеклар туб жой аҳоли, Бухородаги, Самарқанддаги тожиклар, Андижондаги қирғизлар ҳам туб жой аҳолику. Шундай экан, ҳозирги ўта масъулиятли даврда қўлни қўлга бериб, бир ёқадан бош чиқариб барча муаммоларни биргаликда ҳал этсак, ривожланишнинг истиқболли йўлига чиқиб олишимиз аниқ. Ота-боболаримиз улуғлаган дўстлик қадриятини унутмаслигимиз лозим.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари ўртасидаги бирлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик эндигина қўлга киритаётган сиёсий ва иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг асосий шартларидан биридир.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.

БИР ДАСТУРХОН АТРОФИДА

Бердиназар ХУДОЙНАЗАРОВ,

Туркманистон ССР халқ ёзувчиси, Махтумқули мукофоти совриндори.

ШИДДАТЛИ давримизга қараб юрагим туғёнга келади: нималар бўляпти ўзи? Нималар қиляпмиз ўзи? Минглаб йиллар мобайнида бир дарёдан сув ичиб, бир ҳаводан нафас олиб, бугун бир-биримизнинг кўксимизни нишонга олаяпмизми?

Мен бўлиб ўтган воқеаларни юрагим оғриб эшитдим. Ҳатто қўлим асар битишга ҳам бормади. Томоғимга бир нарса тиқилди. Кўз олдим қоронғулашди.

Бир дастурхон атрофига қачонки зарур маслаҳатлар бўлиб қолсагина йиғиладилар. Демак, бугун халқларимиз, жумҳуриятларимиз ўртасида муҳим муаммолар бор экан. Ишонаманки, улар албатта ечимини топади.

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ХОТИРАСИ БУГУНГИ КУНДА БИЗЛАРНИ КУЧ-ҒАЙРАТНИ БИРЛАШТИРИШГА, ҚАРДОШЛИКНИНГ ТАРИХИЙ РИШТАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ДАЪВАТ ЭТМОҚДА. МАНГУ БАРҲАЁТ ШОИРЛАР, МУТАФАККИРЛАР БАРЧА ДАВРЛАРДА ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ ВА ИНОҚЛИГИНИ ҚУЙЛАБ КЕЛГАНЛАР. ЭЗГУЛИК ВА МЕҲР-МУҲАББАТНИ ИНСОН ҚАЛБИНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ СИФАТИДА УЛУҒЛАГАНЛАР.

(Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон республикалари раҳбарларининг Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон халқларига 1990 йил 23 июнь куни Олмаота шаҳрида қабул қилган Мурожаатномасидан).

Дўстлар билан дийдор кўришиш ҳар доим ҳам қалбларга олам-олам ҳузур бағишлайди. Ушбу суратдаги мангу лаҳзалар бу фикримизга яққол далил бўла олади.

Санъатнинг сеҳрли олами

РОЗА БАҒЛАНОВАНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

«Қозоқ ўзбекни кўрганда, бовурим деб қучоғини очиб ҳурмат кўрсатади. Ўзбек қозоқни кўрганда туғишганим, деб бағрига босади, уй тўридан жой кўрсатади. Қиз олиб, қиз беришган, қўй боқиб, тўп тепишган халқ — бу қозоқ билан ўзбек. Бу икки улуғ халқнинг ота-боболардан қолган урф-одатлари ҳам бирдир», — деган эди Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Мирмуҳсин қозоқ тилида чиқадиган «Фаросат» ойномасида босилган «Туғишганлик саломи» мақоласида.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам Сирдан сув ичган бу икки улуғ халқнинг тарихи ҳам, келиб чиқиши ҳам бир. Улуғ қозоқ оқини Абай: «Ўзбек ўз оғам, сарт садағам» деб бежиз айтмаган экан.

СССР халқ артисти, СССР ва Қозоғистон ССР Давлат мукофотларининг совриндори Роза Бағлановнинг машҳур санъаткор бўлиб етишишида Қори Ёқубов, Гавҳар Раҳимова, Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоеваларнинг хизматлари жуда катта бўлган. Унинг тақдири Тошкент билан боғлиқ. Ўрта мактабни тугатиб, Қизил Ўрда шаҳридаги педагогика институтига ҳужжат топширган Роза Бағланова ўқишга шароити бўлмагач, учинчи курсдан сиртқи бўлимга ўтади ва 1941 йил февралида Тошкентга келади. Мақсад: тўқимачилик комбинатида ишлаш. Ёшлигида қўшиққа ҳавас қўйган Роза ишдан бўш вақтларида ўзи севган қўшиқларни билганича хиргойи қилиб юради.

— Бир куни, — деб ёзади Роза Бағланова автобиографик асарида. — Ҳовлимизда қўшиқ айтиб юрсам қора машинага минган узун бўйли бир одам олдимга келиб: «Қўшиқ айтган ким?» — деди.

— «Мен» — дедим тортиниб. «О, гўзал хоним, тағин менга қўшиқ айтиб беринг!» деди. Мен тортиниб Қоратўрғайни айтдим».

Бечора қушнинг мунгли, зорли аҳволига ачиниб, кўз олдига келтирган бу киши Қори Ёқубов эди. Чин юракдан куйланган қўшиққа мафтун бўлган устоз санъаткор қўшиқ сўнггида Розанинг қўлига бир парча қоғоз бериб «Эртага албатта филармонияга келингиз», — деб тайинлайди. Қўшиқ шайдосига шу керак эди, айтилган вақтда филармонияга етиб боради. Филармония артистларига Роза санъатини намойиш этади. Улар бурун эшитмаган қозоқ қўшиқларини эшитишиб, ўзаро шивирлашиб қолишади. Ёш сулув қиз — Роза «Широка страна моя родная», «Сиримбег», «Ҳой қизлар», «Ақжуснинг арияси», хуллас ўзи билган қўшиқларидан ўндан ортиғини куйлаб берганда залда ўтирган ўзбек санъати юлдузлари Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, филармония директори Қори Ёқубовлар гулдурос қарсак чалиб юборишади.

Унинг ҳаётидаги қўшиққа бўлган бурилиш ўша тарихий кундан бошланади. Концерт охирида Гавҳархоним Раҳимова: «Мен бу сулув қизни ўзимнинг ансамблимга оламан. Бунда табиий қобилият бор. Ҳали кўрасиз, бу қиз машҳур санъаткор бўлади», — дейди. Ўшанда қозоқ қизининг қанчалик қувонганини кўрсангиз эди. Одам бахтли бўламан деса юлдузи ўнгидан туғиб, яхши кишиларга дуч келади, деганлари рост экан. Розанинг юлдузи туғиб, ўшанда Қори Ёқубовнинг меҳрини қозонмаганда, ким биларди, дейсиз...

Ўша кунларда Тошкентда пахтакорларнинг курултойи очилади. Роза Бағланова биринчи марта катта саҳнада туриб элга танилган пахтакорлар, етук санъаткорлар, ҳукумат раҳбарлари олдида қўшиқ айтиб, барчани лол қолдиради.

«Шу концертда ўша вақтда номи Иттифоққа машҳур Тамарахоним билан бир саҳнада санъатимни кўрсатдим. Мен қўшиғимни тугатмасимдан залда гулдурос қарсак чалинди, атрофдан: «Балли, қизим! Зўр! Бу фаришта қаердан келган!» — деган сўзларни эшитганимда ўзимни худди ҳозир осмондан тушгандай сездим. Қани энди қанотим бўлса-ю, кўкка учиб, парвоз қилсам дейман. Шу пайт гўё бутун олам менинг қучоғимда тургандай эди. Шундай қувончимни бўлишадиган ёнимда туққан-туғишганим, дўст-ёронларим танишларимдан ҳам ҳеч ким бўлмади.

Концерт тамом бўлиши билан узун бўйли, қорачадан келган кишининг менга қараб кулиб келаётганини кўриб қолдим: «Балли, қозоқ қизи, зўр, зўр! Бундай «самородокни» қаердан топдинглар!» — деди у Қори Ёқубов билан Гавҳархонимга қараб. Уларга қарасам гўё бир «оталари тирилиб келгандай» оғизлари қулоғида, хурсанд кулиб туришибди. Билсам, у киши ўша пайтдаги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Усмон Юсупов экан. Келиб қўлимни қисиб; «Қизалоғим, эртага соат учда менинг уйимга меҳмонга кел, Гавҳархоним, бу ишни ўзингизга топшираман» — деди-да, хайрлашиб чиқиб кетди. Қувонганимдан кўзимга ёш келди. Шунда Қори Ёқубов менга далда бериб: «Қизим, яхши қўшиқчи бўлиш учун ўқиш керак. Ҳозирча сен Гавҳархоним билан ишлайсан. Кейин биз сени Москва консерваториясига ўқишга юборамиз», — деди. Менинг ҳаётимда Қори Ёқубовнинг қанча меҳнати сингганини ўқувчим тушунган бўлса керак!... У мен учун энг билимдон, сезгир, санъатни қалби билан, жони билан тушунадиган ажойиб одам эди. Шундай қилиб, менинг санъат йўлидаги қизиқарли ҳам қийин, азобли ва қувончли ҳаёт йўлим бошланди.

Эртаси куни соат 3 да Гавҳар опа билан бирга Усмон аканинг уйига меҳмонга бордик. Оиласи билан кутиб олишди. Бошим кўкка етиб, ўз отам тирилиб келгандай қувондим. Дунёда мен ҳам одам қаторига қўшилиб, партия Марказий Комитети биринчи котибининг уйида меҳмон бўламан деган ўй уч ухласам тушимга кирибди дейсизми?! Бу менинг умримдаги ҳеч қачон эсимдан чиқмайдиган унутилмас кун бўлди!

Усмон ака менга барча шарт-шароитни яратиб берди. Шаҳарнинг марказидан беш хонали уй ажратиб керакли ашқол-дашқол, пианино, саҳнада киядиган кийимларгача олиб берди. Мени ўзининг қизидай кўриб, ғамхўрлик кўрсатди. Усмон ака: «Сизлар халқнинг одамисизлар, бизлар вақт ўтиши билан унутиламиз. Қўлдан келганча талантлиларга шароит яратишимиз керак» дер эди. Усмон Юсупов олий мартабали хизматда бўлишига қарамасдан ўзини ниҳоят даражада камтарин тутар эди. Мен унинг инсонпарварлигига, одамгарчилигига таъзим қиламан. У киши: «Менинг қизимсан» дер эди. Усмон Юсупов санъатни қадрлайдиган ҳамда уни яхши тушунадиган киши эди. Ўша пайтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Сарикулов деган қозоқ ишлар эди. Шу киши орқали Усмон ака оиламизнинг аҳволидан хабардор бўлиб турар экан. У кишининг яхшилигини сўз билан таърифлаб бўлмайди. Ҳақиқий коммунист, ҳалол инсонни мен ҳар қачон Усмон аканинг шахсий сифатлари —характери мисолида кўрсам дейман...».

Ҳа, қани энди шундай кишилар кўп бўлса. Шундагина санъатимизнинг истиқболи порлоқ бўлар эди! Ҳар кимга Роза Бағланова сингари қўш қанот, содиқ дўст ва меҳрибон устоз йўлдош бўлсин!

Қидирбой ТЎЛАБОЙ ўғли.

БАЙНАЛМИЛАЛЛАР МАРКАЗИ

СССР Халқлари дўстлиги музейи биносида миллий маданий марказ фаолиятини давом эттирмоқда. Турли миллат халқлари иштирокида ўтказилаётган анжуманлар, қизиқарли кечалар, сайиллар марказ фаолиятини янада кенг равишда олиб бориш зарурлигини кўрсатди. Куни кеча шаҳар ижроия комитетининг ҳам шу масала юзасидан мажлиси бўлиб ўтди. Унда миллий маданий марказнинг иш фаолиятини янада яхши йўлга қўйиш, келгуси режалари белгилаб олинди. Мухбиримиз байналмилал маданият маркази директори Шавкат Носирович ШАРИПОВ билан бу ерда дўстлик юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашди.

— Шавкат Носирович, сиз раҳбарлик қилаётган маданий марказнинг асосий вазифалари нималардан иборат!

— Байналмилал маданий марказнинг ташкил этилиши жуда катта аҳамиятга эгалиги ўз-ўзидан равшан. Марказнинг мақсад ва вазифалари республикамиздаги барча миллий маданий марказ раҳбарларига ёрдам беришдан иборат. Ҳар бир миллат, ҳар бир халқнинг ўз она тилиси, маданияти, тарихи, миллий анъаналари, урф-одатларини ўрганиш, билиш ва тиклаш, аждодларимиз қолдирган бой маданий меросни излаш, авайлаш, уларни чуқур ўрганиш ва эъзозлаш туйғуларини камол топтиришдир. Шунингдек, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари, бутун миллатлар дўстлигини мустаҳкамлашдан иборатдир. Энг асосийси, ҳар бир миллатнинг урф-одат ва анъаналарини, ўзига хос хусусиятларини намоён этадиган тадбирларни кўтаринки руҳда ўтказишдир.

— Марказ иш фаолиятининг тартиби қандай бўлади!

— Ҳар бир миллат, масалан, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, уйғур ва бошқа ўнлаб миллатлар СССР Халқлари дўстлиги музейи биносида турли кечалар, йиғилишлар, концертлар, учрашувлар ўтказадилар, кўргазмалар ташкил этадилар. Куни-кеча қозоқ биродарларимиз Алишер Навоий ҳазратларининг 550 йиллигига бағишланган ўз миллий концертларини В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройида намойиш этдилар. Шу жумладан, татар халқининг ҳам Тельман номидаги боғда миллий сайиллари бўлиб ўтди. Яқин кунлар ичида уйғур дўстларимиз ўзларининг таниқли оқинлари, маданият арбоблари, адабиётшунослари, санъат усталари иштирокида миллий сайил ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўришмоқда.

— Кейинги режаларда марказ қандай тадбирлар ўтказмоқчи!

— Ҳозир шаҳримизда ўн тўрт маданий марказ фаолият кўрсатмоқда. Маълумки, миллийлик бўлмасдан туриб, байналмилалчилик бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир халқ ҳаётига оид қизиқарли суҳбатлар, кўргазмалар ташкил этамиз,

Маҳаллий Кенгашлар ҳам бу хайрли ишларда ёрдам қўлларини чўзиб, кўпроқ имкониятлар яратиб берсалар айни муддао бўлур эди.

Суҳбатдош **Нодира АБДИРИМОВА.**

Қардошлик мушоираси

ОЙБЕК,
(Ўзбекистон).

ДЎСТЛИГИМИЗ МАНГУ

Кенг сийнамга қувончим сиғмайди,
Азиз дўстлар, кўрганимда юртингиз.
Бахт супрасин қуёш асло йиғмайди,
Осмондаги сомон йўли — йўлингиз.
Қозоқ халқи, ўзбек халқи ўтмишда,
Бойдан, бекдан бирга тортди жафони.
Совет юрти аъзосимиз, сақлаймиз
Юракларда мангу дўстлик — вафони.
Қуёш ўпган тоғларингиз севаман,
Ҳаёт қунган қирларингиз севаман,
Ўланингиз, достонингиз севаман,
Азиз дўстлар, соф қалбингиз севаман..,

Қувончбек МАЛИКОВ,
(Қирғизистон).

МАНГУЛИК ЧИНОРИ

Бизда бор энг катта куч — мардонавор,
Бизда бордир, бир ол байроқ — кўкда порлар!
Бизда бордир, мангуликка ўсган чинор —
У юксалар, ўсар доим — олға чорлар.
Халқ дўстлиги
Унинг номи,
Ғайрат билан
Жўшар қони.
Бу байроқни фахр билан кўтарса ким —
Истиқболга олға борар, бахти порлар!
Келажакни ҳал қилувчи халқ бу — бизмиз,
Жанг номини йўқ қилувчи халқ бу — бизмиз....
Армони йўқ яшаган халқ бу — сиз ва биз,
Бизнинг халққа қўшилганлар кам бўлмас ҳеч,
Қийғир йўлга асло одим ташламас ҳеч,
Дўстлик кучи — буюк кучдир, буюк қудрат!
Ҳеч бир душман бу куч билан тенг келмас ҳеч!
Ленин партияси,
Дўстлик байроғи —
Бизга нур берган
Ва бахт маёғи!

Турсунхон АБДУРАҲМОНОВА,
(Қозоғистон).

ДЎППИ

Ўйнатмас эканми зар дўппи кўзни!
Кўзим ўйнаб олдим зар дўппингизни.
Менга дўппи ҳадя этдингизми сиз,
Ёки бошдан-оёқ зар тўкдингизми!
Дўстлик тафти билан топамиз амал
Дўст совғаси, дерлар, олтиндан афзал.
Тўн ўрнига ўтар рўмолча берса,
Бу эса — зар дўппи, ёнади ял-ял!
Бош кийим қадрини билади қозоқ,
Уни эъзоз билан сўйлайди ҳар чоқ.
Дерлар: ҳадя этса дўстинг бош кийим,
Бошингга бахт қуши бўлади қўноқ.
Бу дўппи жонимдан азизроқ эрур,
Зарлари қалбимга жило бир умр.
Уни уй тўрига илиб қўйдим мен,
Уйимга қуёшдай ёғдиради нур..

Бердиназар ХУДОЙНАЗАРОВ,
(Туркманистон).

ЭЙ, БИРОДАР

Кунларим асалдай таъм топди ғоят,
Аммо ўзгармадим, одамдай қолдим.
Мени қуршаб олди гоҳида ғийбат
Асло ўзгармадим хотамтой қолдим.
Қанча мушкулотнинг босса ҳам зайли
Фисқу фужурлар ҳам ҳеч писанд эмас.
Эй, дўстим,
Бор юкинг кўтарай майли
Туҳмат балосидан асраб юрсанг бас.

Совет адабиётининг атоқли намояндалари (чапдан) С. Азимов, Г. Марков, Ч. Айтматовлар ўзаро суҳбатлашишмоқда.

14 август—Покистон мустақиллиги куни

СУРАТДА: Тошкент билан бинодарлашган Покистоннинг Карочи шаҳри маъмурий биноларидан бирининг кўриниши.
ТАСС сурати.

УМИДБАХШ САФАР

Яқинда Ўзбекистон — Покистон дўстлик жамиятининг вице-президенти, Тошкент Давлат Шарқшунослик илмгоҳининг доценти Т. Х. Холмирзаев билан шу сафар ҳақидаги суҳбатни эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

— Тошмирза Холмирзаевич, Покистон қўшнимиз бўлишига қарамай, бизга бегонадай, у ҳақида жуда кам биламиз. Мана бугун Покистоннинг байрами экан. Шу ўлка тўғрисида тапириб берсангиз.

— Покистон Ислом Республикаси жаҳон харитасида 1947 йилнинг 14 августида пайдо бўлди. Ўшандан бери бу санани Покистон халқи мустақиллик куни сифатида кенг нишонлайди. Покистоннинг яна бир катта миллий байрами 23 мартда нишонланади. Бу байрам Покистон куни деб аталади.

Покистоннинг аҳолиси 100 миллион кишидан ортиқ. Унинг 98 фоизидан зиёди мусулмон. Ҳудуди салкам 804 минг квадрат километр. Тўртта вилоятдан иборат. Совет Иттифоқи билан 1948 йилдан дипломатик алоқалар ўрнатган. Пойтахти — Исломобод. Карочи шаҳрида Совет маданий маркази ишлаб турибди. Шу шаҳар яқинида Совет Иттифоқи ёрдамида металлургия комбинати қурилмоқда. Покистон ривожланаётган мамлакат ҳисобланади, ғарбнинг таъсири кучли. У жуда кўп мамлакатлар билан алоқа қилади, хусусан АҚШ, Хитой, Саудия Арабистони, Япония билан яқин муносабатда. Тўқимачилик ва қайта ишлаш саноати жуда ривожланган. Халқнинг турмуш даражаси анча паст, бироқ шуни айтиш кераккн. Покистонга шериклари кўрсатаётган катта молиявий ва бошқа ёрдам туфайли бу даража Жанубий Осиё мамлакатларидан бирмунча баланддир. Покистонда маориф ва ташқи алоқаларни ривожлантириш ишларига жиддий эътибор берилади.

— Таассуротлар кўп бўлса керак?

— Албатта, Сафаримиз самарали, қизиқарли ўтди. Сафардан олган энг муҳим таассурот шуки, Покистоннинг расмий, илмий ва ишбилармон доиралари, кенг жамоатчиликнинг Ўзбекистон билан тўғридан тўғри ҳар томонлама алоқа ўрнатишга тайёрлигидир. Шу ўринда Лаҳўрдаги бир учрашувда айтилган: «Алоқалар (яъни Покистон билан Ўзбекистон ўртасидаги)имизни кенгайтириш масаласида мамлакатдаги ўнг ва сўл кучлар якдилдир», деган гапни келтирмоқчиман. Бу гапга изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

— Учрашувлар кўп бўлгандир? Шулар ҳақида гапириб берсангиз.

— Учрашувлар жуда кўп бўлди. Масалан, Карочида Синд вилояти парламентининг спикери Абдул Розиқ Хон ва Карочининг мэри М. Фаррух Саттор жаноблари билан учрашдик. Улар билан суҳбатда бир қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги бевосита алоқаларни кенгайтириш масаласи кўтарилди. Совет ҳарбий асирлари, уларни озод қилишдек муҳим, инсонпарвар масала алоҳида муҳокама қилинди. Жаноб Абдул Розиқ Хон шу масалада Покистон Президенти, Бош вазири ва қуролли кучлар штаби бошлиғига мактуб билан мурожаат қилишга сўз берди. Биродарлашган шаҳарлар Карочи ва Тошкент ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш масаласи кўрилди. Карочи мэри Тошкент шаҳар ижроия комитети делегациясини Покистонга таклиф этишга ҳаракат қилажагини айтди.

Бундан ташқари ишбилармонлар билан ҳам учрашдик. Чунончи, Карочи ва Лаҳўр шаҳарлари савдо-саноат палаталарида учрашувлар бўлди. Тайёр чарм кийимлар ишлаб чиқарадиган «Садаф» фабрикасини бориб кўрдик. «Табаний» компанияси ва бир қатор бошқа фирма раҳбарлари билан суҳбатлашдик, Ўзбекистон корхоналари билан, хусусан «Шарқ Гули» билан алоқа ўрнатиш масалаларини муҳокама қилдик. Покистон фирмаларидан бири «Шанган котекс» жумҳуриятимизда шарбатлар, сут ва кефирни идишга жойлаш бўйича ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдирди.

Делегациямиз раҳбари — Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши халқаро алоқалар комитетининг раиси, Ўзбекистон—Покистон дўстлик жамиятининг раиси, академик П. Қ. Ҳабибуллаев ўзбек олимлари ишлаб чиққан силни даволашнинг янги усули ҳақида гапириб берди. Покистонлик мутахассислар бу янгиликни катта қизиқиш билан қарши олишди.

Делегациямиз Покистоннинг энг замонавий илм марказларидан Оға Хон ва Ҳамдард дорилфунунларини бориб кўрди. П. Қ. Ҳабибуллаев Покистоннинг етакчи олимлари билан шахсий алоқа ўрнатди ҳамда табиий фанларнинг муҳим йўналишларида ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. ТошДД ва Ҳамдард маркази ўртасида толиб ва ўқитувчилар айирбошлаш бўйича ҳам музокаралар олиб борилди.

Биз Карочи ва Лаҳўрда бир неча марта жамоатчилик билан учрашдик. Лаҳўрликлар Покистон — Ўзбекистон дўстлик жамиятини тузишга тайёр эканликларини билдиришди. Исломободда делегациямиз «Ўзбекистон уйи»нинг очилиш маросимида иштирок этди. Ушбу тадбирнинг ташаббускори бўлмиш «Табаний» фирмасининг фикрича, бу жой Ўзбекистон ҳақида турли-туман, атрофлича маълумот олса бўладиган маданият ва ишбилармонлар маркази бўлмоғи керак. Фирма кейинчалик Тошкентда ҳам худди шунга ўхшаш «Покистон уйи»ни очиш фикрида.

— Бу делегация кейинги бир неча ўн йил мобайнида Ўзбекистондан борган дастлабки йирик делегация бўлди. Ахборот воситалари бу сафарни қандай ёритди, сизларга муносабат қандай бўлди?

— Бизга муносабат аъло даражада бўлди — оддий кишилар ҳам, ишбилармону-олим, расмий шахслар ҳам ниҳоятда илиқ, самимий муносабатда бўлишди. Матбуот ҳам сафаримизни кенг ёритди, десам хато бўлмайди. Мана ўзингиз мулоҳаза қилинг: Покистоннинг урду ва инглиз тилларида чиқадиган ўнта йирик рўзномасида ўттиздан зиёд мақола чоп этилди. Покистон телевидениеси ҳам делегациямиз ҳақида хабарлар берди.

— Домла, яқинда Тошкентда ишбилармонлар учрашуви бўлиб ўтди. Покистонликлар ҳам шу анжуманда қатнашганидан хабардормиз. Уларнинг Тошкент учрашувидан олган таассуротлари ва унинг натижалари ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— Биз Покистондан қайтиб келганимизда Тошкент ишбилармонлар учрашувига тайёргарлик авжида эди. Биз ҳам Дўстлик жамияти орқали покистонлик ишбилармонларни шу учрашувга таклиф этдик. Покистон савдо палатасидаги СССР билан савдо қилиш бўлими бошлиғи С. М. Иҳом бошчилигидаги делегация Тошкентга келди. Анжуман иши, жумҳуриятимиз уларда катта таассурот қолдирди. Чет мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятлар борлигини таъкидладилар.

Ушбу делегациянинг Тошкент учрашуви самарали бўлди. Чунончи, шу ойнинг ўзидаёқ «Шарқ Гули» бирлашмаси билан ҳамкорлик қилиш ҳақида шартнома тузиш учун Покистон фирмаларидан бирининг Тошкентга келиши кутилмоқда. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигида суҳбат бўлди ва бизга экспорт қилинадиган кўзойнак гардиши нусхалари танлаб олинди. Ғазалкент консерва заводи билан ҳамкорлик қилишга ҳам келишиб олинди. «Табаний» фирмаси ҳам ҳамкорлик қилмоқчи. Самарқандда тайёр кийимлар фабрикаси қуриш кутилмоқда.

Хуллас, шунақа яхши хабарлар. Бу яқин қўшнимиз билан муносабатларимиз тобора яқинлашиб, ҳар томонлама ҳамкорлигимиз муттасил кенгайиб бораверади, деб умид қиламиз.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат.

— Саломат бўлинг.

Суҳбатни Ансориддин ИБРОҲИМОВ олиб борди.

Билиб қўйган яхши

БУЮК математик ва файласуф Пифагор атлетика мусобақаларида мунтазам қатнашиб турарди. Муштлашиш жанги (қадимий спорт тури) бўйича Олимпия ўйинларида ғолиб келгани учун дафна дарахтининг баргларидан ясалган ғалаба тожини икки марта олиш шарафига муяссар бўлган.

* * *

УЛУҒ адиб Лев Толстой етмиш ёшида Ясная Полянада меҳмон бўлиб турган уста конькичилар билан мусобақалашиб, уларнинг кўпчилигини енгган.

* * *

МАШҲУР инглиз шоири Жон Ноэль Гордон Байрон ўз даврининг моҳир сузувчиси ҳам эди. 1810 йил майда Байрон эни 7,5 километр келадиган тезоқар Дарданель бўғозидан сузиб ўтиб, барча қийинчиликларга чап берган ҳолда кичик Осиёнинг Шарқий соҳилига эсон-омон етиб борди.

* * *

ДУНЁГА донғи кетган физиолог олим, академик И. П. Павлов умрининг охирги кунларигача мунтазам чиллак ўйини билан шуғулланган.

Акбар АЛИЕВ тайёрлаган.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО ВАЗИРЛИГИНИНГ
ЖУМҲУРИЯТ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

САВДО БИЛИМ ЮРТИ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ «СОТУВЧИ» ВА «НАЗОРАТЧИ-КАССИР»ЛАРНИ ИККИ ЙЎНАЛИШДА ТАЙЁРЛАЙДИ:

Баққоллик, қандолатчилик, гастрономия, гўшт-балиқ ва сут маҳсулотлари бўйича;

Газлама, тикув буюмлари, пойабзал, трикотаж, атторлик, атир-упа-элик, маданий-маиший ва хўжалик моллари.

БИЛИМ ЮРТИГА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ, 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ 1991 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқувчиларга ойига 80 сўм стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳрининг илғор дўконлари: БОШ УНИВЕРСАЛ ДЎКОНИ — «ГУМ», УНИВЕРСАМЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар совет Савдо техникумининг охирги курсига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА ЁТОҚХОНА МАВЖУД.

Ўқиш муддати — 8,5 ой.

КУРСЛАРНИ БИТИРГАНЛАРГА ГУВОҲНОМА ВА ДИПЛОМЛАР БЕРИЛАДИ.

Шунингдек билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— **музқаймоқ ишлаб чиқариш:** Ўқиш муддати 6 ой, 3 ой.

савдо автоматларини тузатиш. Ўқиш муддати — 8 ой,

— **безакчи декораторлар:** Ўқиш муддати 2 йил.

Курсларни битирганларга гувоҳнома ва дипломлар берилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГУРУҲЛАР ТЎПЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), турар жойидан маълумотнома, таржимаи ҳол, 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома, 3x4 см. катталикдаги 5 дона фотосурат, вилоят ёки район савдо бошқармасидан йўлланма.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700173, Тошкент шаҳри, Акмал Икромов ноҳияси, Собир Юсупов кўчаси, 3-уй (13, 70, 116 «э», 45-маршрут таксиларининг «Тез ёрдам клиникаси» бекати).

Телефонлар: 75-35-86, 75-35-92.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
Ўзбекистон ташаббускорларининг марказий касаба иттифоқи
ЖУМҲУРИЯТ ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ
1991—1992 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Жумҳурият ўқув-ишлаб чиқариш маркази тўқимачилик, тикувчилик саноати, давлат ва тижорат, хусусий, кооператив корхоналари учун юқори малакали йигирувчилар, тўқувчилар ва тикувчи мутахассислар тайёрлайди.

Марказга 9, 10, 11-синфни битирган қизлар имтиҳонсиз қабул қилинади.

9—11-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар касб ўрганиш билан бир қаторда ўрта маълумотли бўлишади. Ўқиш муддати 2 ва 3 йил. Бу группа ўқувчилари давлат таъминотида бўлади ва ишлаб чиқариш практикаси даврида 100 фоиз маошларини оладилар.

Ўрта маълумотга эга бўлган ўқувчилар учун ўқув муддати 1 йил ва бу группа ўқувчиларига 100 сўм миқдорида стипендия ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 100 фоизи берилади.

Жумҳурият ўқув-ишлаб чиқариш марказини аъло баҳоларга битирган ўқувчилар қуйидаги олий ўқув юртлари ва техникумларга ўқишга киришда имтиёзли ҳуқуқлардан фойдаланишади:

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олий билимгоҳи,
Тошкент политехника олий билимгоҳи
Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳи
Тошкент давлат педагогика олий билимгоҳи
Тошкент политехникуми.

11-синф маълумоти билан ўқишга қабул қилинганлар юқорида кўрсатилган олий билимгоҳларнинг кечки ва сиртқи бўлимларида ҳам ўқишлари мумкин.

Жумҳурият ўқув-ишлаб чиқариш марказидаги ўқув вақти меҳнат стажига киритилади.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона берилади ва прописка қилинади.

Марказга тижорат кооператив ва бошқа корхоналарда ишлаш учун Тошкент шаҳрида ва шаҳар атрофи ноҳияларида яшовчилар қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқишга қабул қилинади. Ўқиш пулли.

Конструктор-модельер-кийимларни бичувчи, тикувчи, тайёрловчи, ўқиш муддати — 10 ой;

Котиба-машинисткачи стенографистка — ўқиш муддати — 6 ой;

Автомашина ҳайдовчилари — ўқиш муддати — 3—6 ой.

Марказ медицина комиссиясига йўлланма беради.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: бош директор номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома (ёки паспорт), турар жойидан справка, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (ёки аттестат), 6 та 3x4 см. катталикдаги фотосурат.

Манзилгоҳимиз: 700081, Тошкент шаҳри, М. Мироқилов кўчаси, 68-уй (7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар; 13, 16-троллейбуслар; 38, 58-автобусларнинг «Бобур номли боғ» бекати). Телефонлар: 55-78-28, 55-78-30, 55-78-32.

Газдан фойдаланувчи абонентлар диққатига!

«ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ

1991 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДАН 1 НОЯБРГАЧА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА
АҲОЛИ ЎРТАСИДА ГАЗДАН ХАВФ-ХАТАРСИЗ ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА
ИККИ ОЙЛИК ЎТКАЗАДИ

ЭСДА ТУТИНГ: газнинг ҳаво билан аралашмаси портлаш ва ёнғин чиқиш хавфини туғдиради!

Газ силқиб чиқишини ўз вақтида олдини олиш — портлаш, ёнғин ва бошқа бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш гаровидир.



Дудбуронлар текширилгани ҳақидаги актларни ўзингиз яшаб турган жойингиздаги райгазга ўз вақтида тақдим этинг.

Ёниш маҳсулотлари дудбуронлар орқали ташқарига чиқиб кетадиган газ колонкалари ва бошқа газ асбобларидан фойдаланган пайтда албатта унинг ҳаво тортаётгани ёки тортмаётганини текшириб кўринг.

Дудбуронлар ҳаво тортмаётган ёки қониқарсиз ҳаво тортаётган пайтда газ асбобларидан фойдаланиш қатъий таъқиқланади.

Газ-баллонли қурилмалардан фойдаланган пайтда баллонлар иссиқлик манбаларидан (қуёш нури, печлар, электр иситиш асбоблари) ҳоли жойлаштирилиши лозим.



Баллонга ўрнатилган 3 конфоркали плиталар, бошқа газ асбоблари ҳамда «Балтика» босим регуляторидан ишлайдиган баллонлардан фойдаланганда «Балтика» босим регулятори ва клапаннинг баллонга тўғри уланганига айниқса эътибор беринг.

ҲУРМАТЛИ МЕҲМОНЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ!

ИККИ ОЙЛИКНИ ЎТКАЗИШДА ФАОЛ ҚАТНАШИНГ!

Портлашлар, ёнғинлар, заҳарланишлар ва бошқа бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун газ асбоблардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилинг;

ёқилган газ асбобларини назоратсиз қолдирманг, аланга сўниб қолиши мумкин. Бундай пайтда газ силқиб чиқади, у хоналарда йиғилиб кишини заҳарлайди, шунингдек портлаш ва ёнғин чиқишига сабаб бўлади;

махсус инструктаждан ўтмаган болалар ва шахсларнинг газдан фойдаланишларига йўл қўйманг;

рўзғор газ плиталаридан хоналарни иситиш учун фойдаланманг — бу саломатлик учун хавфлидир.

ЎРТОҚЛАР! Хонада газ ҳидини сезишингиз билан бундан райгаз ёки авария хизматини қуйидаги телефонлар орқали дарҳол хабардор қилинг: 04, 53-56-19, 53-56-31, 55-44-27, 55-44-29.

Газ хўжалиги ходимлари етиб келгунларича газ йиғилган хоналарни шамоллатиш чораларини кўринг, эшиклар, деразаларни очиб юборинг, ўт ёқманг, чекманг, электр асбобларидан фойдаланманг, электр ёритгичларни ёқманг, одамларни газ йиғилган хоналардан олиб чиқиш чораларини кўринг.

Ўртоқлар! Газдан фойдаланганда ниҳоятда хушёр ва эҳтиёткор бўлинг!

«ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ.

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА
15 АВГУСТ СОАТ 18.30 ДА Ҳ. Ҳ. НИЕЗИЙ асари
«ПАРАНЖИ СИРЛАРИ»
(2 пардали драма)
спектакли билан
23-МАВСУМ ОЧИЛАДИ
ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артистлари, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофоти совриндорлари: ТЎЙЧИ ОРИПОВ, ОБИД ЮНУСОВ;

Ўзбекистон ССР халқ артисти ПЎЛАТ САИДҚОСИМОВ.

Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артистлар: РАҲМОНБЕРДИ ЁҚУБОВ, ЭРКИН КОМИЛОВ, РИММА АҲМЕДОВА, НОЙЛА ТОШКЕНТБОЕВА, ДИЛБАР ИСМОИЛОВА;

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндорлари: САИДА РАМЕТОВА, МУНОЖОТ ТЕШАБОЕВА, ҲОШИМ АРСЛОНОВ.

Артистлар: АБДУЛАЗИЗ АБДУРАҲМОНОВ, МАШРАБХОН ОРИПОВА, ДИЛБАР ҚОСИМОВА, МАҲМУД ДЎСМАТОВ, МАТЁҚУБ МАТЧОНОВ, ГУЛБАҲОР РАҲИМОВА, АЗИЗА БЕГМАТОВА, ЭЛЕР НОСИРОВ, ДОНО БОБОХОНОВА, АБЗАЛ РАФИҚОВ ва бошқалар.

Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофоти совриндори ЁДГОР САЪДИЕВ.

Саҳналаштирувчи режиссёр — А. ГАМИРОВ.

Театрнинг бош режиссёри —жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндори **Б. Т. ЙЎЛДОШЕВ.**

Чипталар театр кассасида соат 10.00 дан 19.00 гача сотилмоқда.

ЖАМОА БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Жавоб берувчи телефонлар: 44-56-52, 44-11-70.

«Главташкентстрой»га қарашли «Таштстройтранс» Тошкент транспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси 10-автотранспорт корхонасининг 1991 йил 1-чораги, 2-чораги, 3-чораги, 4-чорагига тегишли йўқолган ёнилғи мойлаш материалларининг

УЧБУРЧАКЛИ ШТАМПЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

КИНО

14 АВГУСТ

А. Навоий номидаги Санъат саройида — «ДИСКО ҚИРОЛИ» (17.00, 20.00). «КЎР-КЎРОНА ҚОНУН» (19.00).

Москва — «АЛВАСТИЛАР ҒОРИ» (тоқ соатларда).

Тошсовет номли — «КИЧИК ГУВОҲ» (18.00, 21.00).

Чайка — «ИМТИЁЗЛИ МУҲАББАТ» (18.30, 20.45).

Восток — «ҚУРШОВДА» (тоқ соатларда, 20.30).

15 АВГУСТ

А. Навоий номидаги Санъат саройида — «ДИСКО ҚИРОЛИ» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00), «КЎР-КЎРОНА ҚОНУН» (10.00, 13.00, 16.00, 19.00).

Тошсовет номли — «КИЧИК ГУВОҲ» (11.00, 13.30, 16.00, 18.00, 21.00).

Чайка — «ИМТИЁЗЛИ МУҲАББАТ» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.45).

Восток — «ҚУРШОВДА» (тоқ соатларда, 20.30).

Москва — «АЛВАСТИЛАР ҒОРИ» (тоқ соатларда).

«Ташгалантерейторг» жамоаси шу савдо идораси раҳбарининг ўринбосари Н. В. Умаровга отаси **Вафо УМАРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар ҳайвонларнинг касалликларига қарши курашиш маконининг жамоаси Куйбишев ноҳияси ветеринария шифохонасининг мудири Р. Н. Рашидовга отаси **Нусратулла РАШИДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

А. Икромов районидаги А. Тожиев номли маҳалла қўмитаси ва аҳолиси маҳалланинг фаол аъзоларидан бири севимли ҳофиз **Ҳакимжон ФАЙЗИЕВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.



МУАССИСЛАР:
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент шаҳар комитети

Тошкент оқшоми

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР:
қабулхона — 32-53-76,
хатлар — 33-29-70, 32-53-79;
жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.

79.828 нусхада чоп этилади. Индекс 64690. Буюртма 5823. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 Босмага бериш вақти 11.30. Босмага берилди. 10.30